

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 100 (10.405)

2005 ЙИЛ 25 МАЙ

«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ ҲАЙАТИНИНГ ҲАҚИҚАТИНИНГ БОШЛАНИШИ БИЛАН ЧИН ҚАЛБИМДАН САММИЙ МУБОРАҚБОД ЭТАМАН.

Истиқлол йилларида шаклланган, эл-юртимиз ўртасида «Кичик олимпиада» деб ном олган бу нуфузли мусобақаларда қатнашиш сиз учун қандай катта шараф, қандай катта масъулият эканини очиб чехрангиздаги қувонч ва ҳаяжон туйғуларини ифода этиб турибди.

Анъанага айланиб қолган, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг энг кучли вакиллари, ғолиб жамоалари иштирок этаётган бу ўйинларни том маънодаги жисмоний, маънавий куч ва имкониятлар синови, ёшлик ва гўзаллик, спорт ва нафосат байрами, десак, аини ҳақиқат бўлади.

Шу маънода, ноёб истеъдоди ва маҳорати билан жаҳон аҳлини ҳайратга солаётган, халқаро спорт анжуманларида юртимиз байрогини баланд кўтариб, азиз ва муқаддас Ватанимизни бутун дунёга тараннум этаётган ёш авлодимизни тарбиялашда бу беллашувларнинг амалий таъсири ва аҳамияти бекиёс.

Бугун яшил майдонларни тўлдириб, ўзининг куч-қуввати, азму шиқвати ва иродасини намойён этаётган сиз каби минг-минглаб навқирон ёшларимизни кўрганда барчамизнинг кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Сизларнинг тимсолингизда юртимизда соғлом авлодни камол топтириш, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш йўлида амалга ошираётган улкан ишларимизнинг ижобий самарасини, Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини ўзимизга янада ёрқин тасаввур қиламиз.

Шу борада барчамиз бир ҳақиқатни теран англаб олишимизни истардим - вужудда, томир-томирда улуг аждодларимизнинг қони жўш урган, чуқур билим ва мустақил дунёқарашга эга бўлган баркамол авлодимиз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайди. Айниқса, бугунги мураккаб ва тахликали замонда ҳаёт синовларида тобланган, ҳар қандай шароитда ҳам ўз халқи ва юртига садоқат билан яшайдиган, унинг манфаатларини қатъият билан ҳимоя қила оладиган ёшларимиз мамлакатимизни тараққийнинг янги ва юксак босқичларига олиб чиқишга қодир бўлади.

Айнан сиздек бугунги навқирон ёшларимиз юртимизда демократик давлат, фуқаролик жамияти, тараққий топган иқтисодиёт, шулар асосида эркин ва фаровон ҳаёт бунёд этишда, барча эзгу орзу-умидларимизга эришишда Ватанимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўлади, иншоолло.

Ишончинг қомил - ана шундай мард ва фидойий ёшлари бор юртни ҳеч ким ўз танлаган йўлидан қайтаролмайди.

Азиз фарзандларим!

Бугун бошланаётган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари қизгин ва ҳалол курашлар руҳида, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик муҳитида ўтади ва ҳар бирингизнинг қалбингизда узоқ вақт сақланиб қолади, деб умид билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизлар учун мана шундай муҳташам, замонавий спорт майдонлари ва мажмуаларини барпо этган, ушбу мусобақаларнинг юксак даражада ўтиши учун зарур шароитларни яратиб берган мутасадди ва ҳомий ташкилотларга, бу ишларга муносиб ҳисса қўшган барча олижаноб инсонларга самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Сизларни бугунги қувончи байрам билан яна бир бор қўтлар эканман, барчангизга нафақат спорт майдонларида, балки ҳаёт йўлларида ҳам доимо омад ва зафарлар, бахту саодат ёр бўлишини тилайман.

Ислом ҚАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти



Кеча Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги янги стадионда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими академик лицей ва коллежлар ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган анъанавий «Баркамол авлод - 2005» спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

«Баркамол авлод — 2005»

Ёшлик, Жўшқинлик, Спорт Байрами Бошланди



Биз уч босқичли узлуксиз тизимга айланган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада»ларни мамлакатимиздаги кичик олимпиада ўйинлари деб бежиз атамаймиз. Зеро, ушбу спорт мусобақалари ёшларимизга бир олам завқ-шавқ бағишлайди, уларни ҳаётда доимо олға интилиб ғалаба қозонишга ўргатади, саломатликларини мустаҳкамлайди. Майли, қатнашчилардан келгусида спортчилар чиқмас, лекин муҳими улкан спорт байрамларида иштирок этиш ва ғалаба нашидасини туйиш, соғлом турмуш тарзига ошно бўлишдир. Бу гал Чирчиқдаги ўйинларда 13 та спорт тури бўйича беллашувлар ўтказилади. Энг муҳими, шахримиз спортчилари ҳар бир спорт тури бўйича ўтказиладиган мусобақаларда қатнашишди ва ўйинларга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришди.

Давоми 3-бетда.

XVI Саҳоси
Барча маълумлардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Халқаро нуфузли ташкилот ЮНЕСКО томонидан эътироф этилган, жаҳондаги инсоният номоддий мероси дурдоналарини сақлаб қолган ва ривожлантираётган тоғли Бойсун дёрида ташкил этилган «Бойсун баҳори» халқаро очиб фольклор фестивали якунланди.
- Тошкент вилояти ҳокимлигида болалар оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан вилоят доимий комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.
- Фарғонада «Жамиятнинг демократик янгилинишида хотин-қизларнинг ўрни ва роли» масаласига бағишланган амалий семинар ташкил этилди.
- Тошкентдаги Банк коллежига Япония ҳукуматининг бераз кўмак йўналишидаги гранти топширилди.
- Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида масъулияти чекланган жамият шаклидаги, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Сканикс-Самарқанд» Ўзбекистон-Финляндия қўшма корхонаси иш бошлади.
- Тошкент вилоят хотин-қизлар кўмитаси халқ таълими бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Давлат консерваторияси билан ҳамкорликда Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйда тарбияланаётганларга «Мен - Ватан фарзандиман» номли концерт дастурини намойиш этди.
- «Йил тарбиячиси» кўриш-танловининг Навоий вилоят босқичида тарбиячилар «Учинчи минг йилликнинг боласи» таянч-дастури негизида ўз билим-саъияларини кўрсатдилар.

Жаҳонда

- Мўғулистонда ўтказилган Президент сайловида сайловчиларнинг 53 фоиз овозини олган ҳолда собиқ бош вазир Намбарин Энхбаяр ғалаба қозонди.
- Германия канцлери Герхард Шрёдер мамлакатда шу йилнинг кузида муддатидан олдин сайлов ўтказилишини маълум қилди.
- Фаластин сайлов комиссияси 17 июлга белгиланган парламент сайловларига тайёргарлик кўришга улгура олмаслигини маълум қилди.
- Колумбияда ҳукумат армияси ноқонуний қуролланган гуруҳларга қарши кенг миқёсда аксилтеррор ҳаракатларини бошлади.
- Хиндистон пойтахтидаги «Либерти» ва «Сатьям» кинотеатрларида содир этилган портлашлар оқибатида бир киши ҳаётдан кўз юмди, 50 га яқин томошабин жиддий жароҳатланди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
Янгиликлар, воқеалар

• **ЎТГАН** кун Миробод туманидаги Фуркат боғида «Қамолот» ЕИХ туман кенгаши томонидан ўтказилган айтируенлар сайлида битирувчилар тумандаги бешта олий ўқув юртига, 10 та ўрта махсус касб-ҳунар коллежларининг

ўқув фаолияти билан яқиндан танишди.

- **КЕЧА** Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан «Туркистон» саройида «Ўзбекистон қўшиқ байрами»нинг шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ва улар иштирокида гала концерт бўлиб ўтди.
- **БУГУН** Юнусобод туманидаги 21-мактабда туман ҳокимлиги вакиллари, Тошкент Давлат юридик институти ҳуқуқшунослари иштирокида бўлиб ўтган тадбир Анджон воқеаларига бағишланди ва унда тумандаги 86, 327, 302-мактаб ўқувчилари ҳам қатнашдилар.

- **КЕЧА** Яққасарой туманидаги «Рақат» маҳалла гузарида «Оғоҳликка давлат» мавзуйда бўлиб ўтган тадбир терроризм ва унинг салбий оқибатларига бағишланди.
- **КЕЧА** Ибн Сино халқаро жамғармаси ва Тошкент шаҳар Саломатлик маркази ҳамкорлигида Мирзо Улуғбек туманидаги 64-мактабда ўқувчи ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

Юқорида кайд этилган фикрлар нақадар тўричилигини Андижон воқеаси ёшотди берди. Унинг аҳли бошидан кечирган даҳшатли кунлар, бу — ҳаммамизнинг фожиа-мизидир. Зеро биз, республикамизнинг қайси ҳудудда яшашимиздан қатъи назар, бир юрт фарзандимиз ва бугун ҳаммамизнинг қалбимизни бирдай чуқур қайғу чу-либ олган, демак бу воқеаларга муносабатимиз ҳам бир хил бўлиши, шубҳасиз. Шахсан мамлакатимиз Президенти, ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари томо-нидан вақтида ва ҳар томонлама ўйлаб кўрилган чора-лар тўғрисидаги экстремистик чиқишларнинг олди олини-ди. Бундан биз, 14 йил аввал ўзининг овоз ва мустақил йўлини танлаган кўп миллатли давлатнинг фуқаролари, қандай сабоқ олмағимиз зарур? Албатта, уларнинг ҳуқуқий баҳоси тергов якунларига кўра берилди. Биз-нинг вафизамиз эса — шундай даражада оғоҳ бўлиши-миз кераки, бирон-бир кимса мустақиллигимиз, демак бизнинг Ассий Қомусимиз томонидан қадрланган озодлигимиз, ҳуқуқ ва манфаатларимизга зиён етказ-олмағимиз лозим, биз том маънода ўз сарҳадларимиз ҳимоясида бўлмо-ғимиз керак. Бу дегани ҳар биримиз ўзимизнинг, фарзандларимизнинг иродасини чархлаб, авваламбор ўз уйимизни, ўз маҳалламизни, ўз шаҳ-римизни асрашимиз керак. Ва энг муҳими — ўз нуқтаи назаримизни аниқлаб олишимиз, бўлаётган воқе-аларга аниқлик киритган ҳолда ҳуло-са чиқаришимиз, ўзга гоёлар, уйдир-малар оқимида тушиб қолмасдан, аён-аналаримиз ва демократик жараён-ларга қарши бўлган, бизнинг тинч ва бахтли ҳаётимизга раҳна солаётган барча-барча нарсаларнинг вақтида олдини олишга ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Бугун Андижонда тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сурмоқда, ҳамма нар-са маромига тушган, қорхона-ташки-лотлар ишламоқда, болалар ўқиш бил-ан, катталар кундалик юмушлари билан банд. Аммо уларнинг қалбида кун кеча тинч ҳаётни издан чиқари-ришга уринган, оилаларга қайғу-из-тироби олиб келган, шаҳарга моддий зарар келтирган кимсаларга нисбатан ғазаб ҳали сунгани йўқ. Тошкент аҳолиси Андижондаги опалари, ака-лари, яқин қариндош-уруғларига ҳам-дарддир. Шу билан бирга айрим чет эл оммавий ахборот воситалари то-монидан мамлакатимиз ичида саро-сималик келтиришга йўналтирилган, дунё ҳамжамиятига юртимизда рўй берган воқеаларни ўзгача тасвирлаб тарқатилаётган ах-боротларга нисбатан ўз салбий муносабатларини бил-диришмоқда.

Айни кунларда республикамизда, шу жумладан пой-тахтимизда ҳам аниқ фактлар асосида жамоатчилик фик-рини шакллантиришга йўналтирилган кенг тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Шу мақсадда юристлар, пси-хологлар, адабиёт ва санъат арбоблари, давлат, жамоат ва диний тузилмалар вакиллари — шахсий ташаббус билан чиққан турли соҳа вакилларидан иборат ишчи гу-руҳлари тузилиб, улар меҳнат жамоалари, ўқув юртла-ри, аҳоли яшаш жойларида учрашувлар ўтказиб бориш-моқда.

Утган уч-тўрт кун давомида Тошкент Давлат юридик институтининг профессор-ўқитувчиларидан иборат ишчи гуруҳи Учтепа туманидаги ўнлаб ўқув юртларида бўлиш-га улғурди ва мазкур олий ўқув юрти доценти Зоҳир Фофуров фикрига қараганда, бундай тадбирлардан дастлабки ҳулосалар чиқарилди.

— Бизнинг вафизамиз мамлакатимиз раҳбари бир неча бор таъкидлаб ўтганларидек, Андижонда рўй бер-ган воқеаларни тўғри, ҳолисона тушунтириб бориш билан бирга, шунингдек, бу ҳақда аҳоли қандай тушунчага эга эканлигини ўрганиш, уларни яширинча тарқатилаёт-ган ёлғон-яшиқ ахборот хуружларидан ҳалос этишдир, — дейди З.Фофуров. — Уруш ва урушдан кейинги йил-ларни бошидан кечирган катта авлод, аминманки, бўлиб ўтган воқеаларга тегишли баҳо беришга қодир. Аммо аҳолининг ярмидан кўлини ёшларимиз, онги, тафакку-ри эндигина шаклланиб келаётган фарзандларимиз таш-кил этар экан, биз террорчи- экстремистлар ўз гоё ва мақсадларини кимга йўналтиратганини яхши тушуниб этишимиз керак ва шундан ҳулоса чиқариб, мунтазам равишда тегишли амалий ишларни олиб боришимиз ва бу борада ўз позицияларимизни мустаҳкамлашимиз керак. Мактаб ўқувчисининг дунёқарашини коллеж-лайей-даги тенгдоши дунёқарашидан фарқ қилади, талаба ёшлариникидан ҳам анчигача фарқлидир. Шу билан бир-га ҳамма талабалар ҳам катта ҳаётга тайёр, уларнинг бил-имлари ва қизиқишлари ҳар томонлама етук дея ол-майман... Аммо болаларимиздаги асосий «гамчилик» бу уларнинг баъзиларининг қобилиятигача унчалик юқори эмас-лигидек эмас, балки фарзандларимизнинг бари табиятан шаклланиб бориши қадар ўта қизиқувчанлиги сабабли кимнингдир измига, таъсирга тушиб қолишидир. Ях-шиликка йўналтирувчи изм бўлса яхши-я, агарда... Ме-нинг назаримда, бундай вазиятларда авваламбор ота-оналарнинг иштироки бевосита бўлиши муҳимдир, кей-ин маҳалла, ўқитувчилар, меҳнат жамоаси ва бошқалар ҳамжамиятига зарур бўлади.

— Балки, ҳозирча ўз фикрларини тўлиқ ифода этишга нўноқроқдирман, лекин айни пайтда ҳеч қачон амалга

ошиши мумкин бўлмаган гоёни илгари суришга ҳаракат қилиб, оналаримиз, халқимиз бошига мусибат келтир-ган кимсаларга нисбатан ич-ичимдан ғазабга тўлиб тош-ганиман, — шундай бошладى ўз сўзини Андижонда бўлиб ўтган воқеаларга ўз муносабатини билдириш истагида 106-мактаб ўқувчиси Аваз Юсупов. — Цивилизацияни орқага суриб ўрта асрга қайтиш, бу — ақлга сиймайди-ган, мантиқсиз гоё, бунга тасаввур ҳам қилиш қийин. XXI аср бошида бутун ер юзида тараққийёт илгариланган бир пайтда бунга ким изн беради? Биз, ёшлар, шариат қонун-лари устуворлиги остида яшашига қаршимиз ва истамай-миз ҳам. Биз мустақил ва озод юртнинг фарзандларимиз. Ўз тарихимиз билан фахрланамиз ва уни қадрлай-миз. Аммо ҳар бир вақтнинг ўз ривожланиш йўли бор... Мен бу йили тўққизинчи синфни битираман, солиқ со-ҳасида мутахассис бўлиш истагиданман ва бу ниятим амалга ошишига астойдил ҳаракат қиламан...

Аваз ўз фикрларини аниқ ифода эта олганига шубҳа йўқ. Ундан фарқли равишда Нилуфар Эргашева, Мар-

воситалари тайёрланади. Асосий бюртмачимиз «Дори-дармон» давлат акциядорлик жамияти махлулотларимиз-ни республикамиздаги барча тиббий муассасаларига етказиб беради. Корхонамизда турли миллатта мансуб ишчи-мутахассислар банд. Ҳаммамизни авваламбор дўстлик, ҳамжихатлик боғлаб туради десак муболага бўлмайди. Умуманлақ байрамлари ёки аънанавий миллий байрамлар бўладими ҳаммасини бирга нишонлаймиз... Андижонда рўй берган воқеаларга ҳеч ким бефарқ қол-мади, чунки у ерда ҳамюртларимиз, таниш-билишлари-миз, қариндош-уруғларимиз яшайди ва улардан ташвиш-ландик. Юртбошимиз ўз халқини бундай оғир дамда таш-лаб қўймадилар, вазиятни таҳлил этган ҳолда жангари-ларга нисбатан аниқ ҳаракат йўлини белгилаб берди-лар. Тўғри, қундалик ташвишлар билан овора бўлиб, баъ-зида хушёрликини унутмаёзим. Лекин ишонч қомил-ки, бу туйғуни ҳар биримиз доимо ҳис этиб тураемиз.

Йигилишда кўпчилик сўзга чиқди. Ва уларнинг бари экстремистларнинг ўзгалар ва ўз яқинларига шафқатсиз-ларча бўлган хатти-ҳаракатларига нафрати билдирад экан, ёмонлик, ёвузлик жаҳосини топиши мўқарар дея, ҳам-касблари, дўстлари, ҳаммани жипсла-шишга, ҳамжихатликка қақириб, ҳар қан-дай вазиятда ҳар ким ўзини дадил тути-ши, матонатли бўлиши лозимдир, зеро унинг ортида — Ўзбекистон халқи турга-нини бир зум унутмасликка даъват этди-лар.

— Андижонда содир этилган терро-ристтик ҳаракатлар ҳақида дастлаб 16 ёшли ўғлимдан эшитдим, — дейди кор-хона ишчиси Дилфуза Раззоқова. — Ёш аскар йигитлар ҳалок бўлганини билгач, кўзим ёшга тўлди. Шунда ўғлим «Ойи, мен албатта офицер бўламан», деди. Ни-ятига етсин. Мен учун муҳими — муно-сиб инсон бўлсин... Тўғри, айрим қий-инчиликлар бор, лекин уларнинг олди-да ожизлик қилмаслик керак...

Ҳамшаҳримизнинг шу фикри билан мавзуга ҳулоса чиқариш олдинда яна бир муҳим нарсани устидан бироз мушоҳада юритмоқчимиз. Жойларда бўлиб ўтган уч-рашувлар чоғида оммавий ахборот вос-италари хусусида гап борди, шу жум-ладан ҳорижий журналистлар бозор иқтисодиёти шароитини рўқча қилиб, қандай воқеа бўлмасин ҳозир ноқир бўлиб, у ҳақда тўғрими-нотўғрими изоҳ-ни оммага дарров етказишга шошили-ши оқибатида аксарият ҳолларда тегиш-ли мавзунинг асл моҳиятига салбий таъ-сир кўрсатаётгани ҳақида ҳам ҳар хил фикрлар билдирилди. Ўзгани айблаб,

Тинчлик — энг азиз неъмат ҲАМИША ОҒОҲ ВА ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК

Тинчлик, барқарорлик, мустақиллик. Бугунги кунда ушбу муқаддас тушунчаларнинг аҳамияти ва моҳияти янада кучлироқ сезилаётганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Андижонда рўй берган муҳим воқеалар бир дақиқалик мудроқ ҳолатимиздан тетиқлантиргандай бўлди ва яна бир бор биз фақат ҳаёт неъматларидан завқланиб-гина қолмасдан, балки уларни асраб-авайлаб бойитиб боришимизни, атрофда бўлаётган барча нарсага бефарқ, лоқайд бўлмасликни, фуқаролик ва сиёсий онгимизни фаоллаштиришни, фарзандлар устида қайғуриш деганда уларни ўз юрти, ўз халқига, миллий ва умумбашарий қадриятларга нисбатан меҳр ва ифтихор ила тарбиялаб во-яга етказиш деб тушуниш даркорлигини яна бир бор хис этдик.



дон Махмудов, Мухлиса Худойбердиева каби 106, 109, 177, 236-мактаб, «Ором» ўқув-тарбия мажмуасининг кўплаб ўқувчиларининг чиқишлари, балки, бироз бола-ларга хос эмоционал туюлган бўлса ҳам, аммо улар ҳам ўз сўзларини чин юракдан билдиришди. Бу тадбирлар-да иштирок этаётган барча, айниқса ўқитувчи ва ота-она-лар ёшларнинг гапларига қандайдир ғурур билан қулоқ солаётгани ақвол кўзга ташланарди.

— Тўққизинчи синфни битираётган ўқувчиларимизнинг ҳаммаси ҳам келажақда ким бўлишини белгилаб олди дея олмайман, — дейди 109-мактаб директори Санобар Шарипова. — Тўғри, улар жуда шўх ва бунга тушунти-риш ўринлимикан: ҳозирда фарзандларимиз навбатда-ги ўтиши, яъни шаклланиш даврини бошидан кечирмоқ-да. Яна бир неча йиллардан кейин, баалоғат ёшига ет-ганда, улар ҳаётга, ўзга нарсаларга бўлган қарашларини аниқлаб олади. Лекин бугун, мана шу кун, қўлини кўксига — юраги устига қўйиб гапирган дил сўзлари, ишонти-риб айта оламаник, айтмоқ ҳеч қачон сўнмайди...

Шунга таъкидлаб айтмоқчи эдикки, ўқув юртлари-даги учрашувлар ҳар сафаргидек доим ўзига хос фа-олиқ билан ўтди, ёшлар билан бахтлашувлар, муно-зарали мулоқотлардан эса фақат қониқш хосил қил-дик. Аммо, назаримизда, баъзи жойларда бу мавзуга бағишланган тадбирлар шунчаки расмиятчилик тарзи-да, раҳбарият иштирокисиз ўтаётганини ҳам кузатиш мумкин бўлди, лекин бу ҳақда ҳозир гапирганининг мавриди эмас деб, қуйидаги изоҳ билан қиёяланши-ни лозим топдик.

— Мен ҳам бошқалар қаторида бундай ҳолатларга, ай-ниқса аёллар кўп бўлган меҳнат жамоаларига масул экан-лигини тушунаман, — дейди Миробид туман хотин-қиз-лар кўмитаси раиси Мухаббат Зоҳидова. — Ҳулоса шун-дайки, ишлаётган аёлларга, шу жумладан кун давомида банд бўлаётганларга ҳам эътиборимизни аямаслигимиз, уларнинг эҳтиёжи, талаби, қизиқишлари, хусусан, кан-дай хордик чиқаришини ҳам ўрганишимиз, мавзуний се-минар-тренинглар уюштиришимиз керак, яъни уларнинг нафақат оиласи, балки ишида, маҳалла ҳаётда ҳам фа-олиққа ундаш, сиёсий, ҳуқуқий, тиббий саводхонлиги-ни ошириш лозим. Бу эса пироварддаги оилани мустаҳ-камлашда, фарзандларни муносиб инсон бўлиб вояга ет-казишда фақат ўз ихобий натижасини беради.

«Ўқимёфарм» акциядорлик жамиятида бўлиб ўтган уч-рашувда 100 нафардан зиёд ишчи-хизматчилар ишти-роқ этди. Тадбир олдиндан қорхона ҳаёти билан бироз танишишга улғурди. Атроф саранжом-сарията, обод ва кўкаламзорлаштирилган, тартиб ҳаммаёқда ҳукм сурмоқ-да. Ишлаб чиқариш жойларида ҳам ҳолат шундай.

— Тўлиқ қувватда бўлмасча ҳам, аммо ишлаб туриб-миз, — дейди суюқ дориворлар чеҳи бошлиғи Иброҳим Комилов. — Биргина шу ерда 15 дан кўпроқ турдаги дори

ўзимизни оқлаш ниятида мавзуга оид мунозараларга кири-шишни ўринли деб ҳисобламаймиз. Лекин бозор иқти-соидиёти шароити биз, маҳаллий журналистларни ҳам, юмшоқ қўлига айтганда, четлаб ўтаётгани йўқ ва бунга ҳеч ким эътироз билдирмас керак. Бироқ айнан биз маҳаллий, яъни ўзбекистонлик эканлигимиз тўғрисида, шу ерда тугилиб, азим юртнинг сувийо нонидан лаззатлана-ётганимиз боисидан ҳам ўз халқимизнинг вақтинчалик қайғу-изтиробидадан фойдаланиб, ҳали тўлиқ аниқлик ки-ритилмаган фактларни ўзимизча «бичиб-тўқиб» талқин этишдан йироқмиз. Зеро ҳар қандай ахборот аввалам-бор одамнинг онига, кайфиятига таъсир этиши, вазия-тини янада чиғаллаштириши, саросима чиқариши мум-кинлигини яхши тушунамиз ва бунга унутмаймиз. Наҳот-ки бундай оғир дамларда халқро тус олган муҳим ил-латнинг — терроризм алангасининг олди олингани тўғри-сида гапирилганда янада муҳимроқ нарсаси бўлса? Қола-верса, террористик хуруж ҳақида гап бораётган бир пай-тда оммавий ахборот воситалари ўртасидаги рақобат тўғрисида ўйлаш мумкинми? Ўз профессионал бурчи ва кишилиқ виждонини барча нарсадан устун деб билган журналист, ҳаттоки у «ўзгани» бўлса ҳам, ҳеч қачон уммай даромад эвазига ёлгон ахборот тарқатишга урин-майди. Бу борада маҳаллий матбуот вакиллари хусусида эса гап бўлиши ҳам мумкин эмас, бундай вазиятларда қайсидир йўлни танлаш деган фикр уларнинг кўнглидан ўтмайди ҳам. Бунга улар ҳиёнатга тенг деб биладилар.

Мамлакатимиз Президенти Андижонда рўй берган во-қеалар юзасидан Бош прокуратурада бўлиб ўтган мат-буот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакилла-рига энг кўчи ахборот қуролига эга эканликларини таъ-кидлаб, яна бир бор ҳорижий журналистларни воқеа-ларни олдинга суришга уринмасликлари, ўз шахсий фикрларини «чусха»лаб тарқатишга ҳаракат қилмаслик-ларини сўраб, вазиятга ақл-идроқ билан тўғри баҳо бе-риш учун сабр-қаноат қилишлари, Ўзбекистонга, тергов идораларига хурматда бўлишларига қақирди. Шу билан бирга мамлакатимиз раҳбари биз, маҳаллий газета, те-левидение ва радио, агентликлар вакилларига эътибор қаратиб, бурч ва масъулиятни устун қўйиб, ўз чиқишля-римизда фожанинг асл сабабларини кўрсата биллиши-миз, унинг илдизига чуқурроқ кириб боришимиз лозим-лигини таъкидлаб ўтди.

Шундай экан, биз, журналистлар, ҳар қандай ахбо-ротни тарқатишда одил ва ҳолис бўлишимиз керак. Зеро, тинчлик энг олий неъмат экан, барчамиздан тинчликни авайлаб-асрашда ҳамиша оғоҳ ва ҳушёр бўлиш талаб этилади.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА.
СУРАТЛАРДА: жойларда бўлиб ўтган йигилиш-лардан лавҳалар.
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Маълум

БУЮРТМАЛАР АДО ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буюртмаси билан ўқув-лаборатория жихозлари кўплаб тайёрланмоқда. Бу борада Тошкент таъриба таъмир-механика заводи ҳам вазирлик билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Агрегатлар двигателлари яратилган ўқув стенди ҳам эътиборни ўзига тортади. Республикамининг машина-созлик санатои учун кадрлар етказиб бераётган олий ўқув юрларида улардан кенг фойдаланилмоқда.

Корхона ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази буюртмасини ҳам адо этмоқда. «Д-243» русумли электр дизеллари макетларини тайёрлашга киришилди. Улар академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларида ўқувчилар билан амалий машғулотларни олиб боришда қўл келади.

МАКТАБДА НЕМИС ТИЛИ МАРКАЗИ

Шаҳримиздаги 60-мактабда немис тилидан ҳам ўқувчиларга сабоқ берилмоқда. Бундай ўқув жараёнини янада яхши йўлга қўйиш мақсадида билим ўчоги негизда немис тилини ўқитиш маркази ташкил этилди.

Катталар ва болалар учун мўлжалланган бу марказ битирувчиларига Германиядаги олий ўқув юрларида ўқиш учун ҳам йўлланмалар берилади.

Бундан ташқари мактабда немис тили бўлими ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бўлим тингловчилари учун ўқув режаси ва дастури ҳам тайёрланди. Уларда ўзбек халқининг тарихи, маданияти билан таништиришга боғлиқ машғулотлар ўтказишга ҳам эътибор берилди.

Бўлимда Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари фарзандлари ҳам ўқишни давом эттирмоқдалар.

Акбар АЛИЕВ

Санъат

“КЛАВА ОНА” САҲНАДА

Таниқли рус драматурги Павел Морозовнинг “Клава она...” деб номланган асари оила мавзусида ёзилган энг яхши пьесалардан бири сифатида томошабинлар эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Томошабинни ўйлашга, мушоада юритишга даъват этувчи мазкур спектакль пойтахтимиз мухлисларига ҳам тақдим этилди.

Тошкентдаги “Аладдин” театри репертуаридан яқинда ўрин олган мазкур постановка ўзига хос саҳна талқинида тақдим этилди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, “Клава она” театрининг истеъдодли актёри, Республикада хизмат кўрсатган артист Ирина Авдюшкина ижодий изланиши натижаси ўлароқ саҳна юзини кўрди.

Бундан олдин унинг режиссёрлигида тўртта асар постановка қилинган эди.

Акбар ЙУЛДОШЕВ

ЁШЛИК, ЖЎШҚИНЛИК, СПОРТ БАЙРАМИ БОШЛАНДИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, жумладан «Баркамол авлод» ўйинларини бежиз кичик олимпиадага қиёсламаймиз, худди тинчлик элчилари ҳисобланмиш ёзги ва кишки олимпиадалардаги каби «Бар-



камол авлод» ўйинлари ҳам мамлакатда спортнинг ривожланиши, ёшлар саломатлигини таъминлашда муҳим омил бўлади. Худди олимпиадалардаги каби, Олимпия ҳаракати асосчиси Пьер де Кубертен асос солган аънанага кўра албатта ҳар гал «Баркамол авлод» ўйинларининг машъаласи ёқилади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Кеча эрталаб соат 7.30 да Паркентдаги «Физика-куёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтининг куёш ўчоғида машъала ёндирилди. Сўнг машъала мамлакатимизнинг энг кучли ёш спортчилари иштирокида махсус йўналиш бўйлаб Чирчиқ шаҳри томон етказилди.

Шаҳримизда машъала элтувчи спортчи-

лар Тошкент гольф-клубида кутиб олинди. Уларни Бектемир тумани ҳокими Акмал Хошимжонов кутлаб, бўлғуси спорт мусобақаларида омадлар тилади. Шунингдек, «Зилола» маҳалласи оқсоқоли Тўхтажўжа Эшўжаев ҳам шижоатли ёшларга ўзининг эзгу тилаklarини билдирди. Таэквондочиларнинг чиройли кўргазмали чиқишларидан сўнг машъала элтувчи спортчилар йўлларида давом этиши.

Соат 19.30 да эса Чирчиқдаги Олимпия заҳиралари коллежи қошида бунёд этилган, байрамона безатилган замонавий стадионда чорлов мусобақаси янгради. Стадионга Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар терма жамоалари кириб келди. Тошкент вилояти ҳокими К.Тўлаганов йиғилганларни кутлар экан, «Баркамол авлод» ўйинларини очиб деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Баркамол авлод» спорт ўйинлари катнашчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳияси янграйди. Стадион узра давлатимиз байроғи ва «Баркамол авлод» ўйинлари байроғи кўтарилганидан сўнг катнашчилар Юртбошимизнинг ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол ўсиши юзасидан кўрсатаётган ғамхўрликларига жавобан



келгусида илм-фан чўққиларини забот этиш, касб-хунар сирларини юқори кўтаришга, беллашувларда ҳалол, мардона ва муросасиз курашишга тантанали ваъда бериши.

Сўнг келажаги порлок, иқтидорли ёш спортчиларимиз И.Раҳимов ва Д.Мирза-рахмоновлар «Баркамол авлод» ўйинлари оловини ёқиди.

Ўзбекистон санъат усталари ва ёш хонандалар иштирокидаги жозибали концерт дастури, спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари тадбирга ўзгача файз ва шуқуҳ, қатнашчилар дилларига эса бир олам завқ-шавқ бахш этди.

«Баркамол авлод» спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ СУРАТЛАРДА: «Баркамол авлод» ўйинлари машъаласини элтувчи спортчи-ёшлар шаҳримизда шундай кутиб олинди.

Михаил Якубов олган суратлар.



Бу йил шаҳримиздаги 315 та мактабнинг 11-синфини 10.815 нафар, 9-синфини эса 39.260 нафар ўғил-қиз тамомлади. Уларнинг илми, ҳунарли, соғлом ва баркамол бўлиб воёга етишлари, келажакда тўғри касб танлашлари учун мактабларда олдиндан катта тайёргарлик кўрилди. Барча олий ўқув юрлари, касб-хунар коллежлари, академик лицейларда «Очиқ эшиклар» куни ўтказилиб ўқувчиларга ўқув масқани ҳақида тўлиқ маълумот бери-



бўлди.
— Мактабимизда ўқувчиларнинг яхши тарбия, мукаммал билим олишлари учун барча шароитлар яратилган, — дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Мавлуда Алимжонова. — Бугун биз мактабимизнинг аъло-

килар тақлиф этиб, аниқ бир касбни танлаб олишларига эришдик десам хато бўлмас керак.

Мактаб бағри, устозлари меҳридан, қадрдон дўстлар даврасидан ажралиш оғир эканлигидан ҳаяжон билан турган битирувчи-ёшлар билан суҳбатлашдик.

— Бизга илк харфни ўргатиб, билим берган, оқ-қорани танитган азиз устозларимизни асло унутмаймиз, — дейди 9 “Б” синфини аъло баҳоларга тамомлаётган Гўзал Мамедова. — Келажакда мен I-Педагогика коллежига ўқишга кирмоқчиман. Устозларимизнинг эзгу ишларининг давомчилари бўлишни хоҳлайман. Насиб қилса коллежни муваффақиятли тугаллаб Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетига кириб ўқишни давом эттириб, юртимизга муносиб фарзанд бўлам.

Битирувчиларга шахар ва туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими вакиллари, ота-оналар, “Эшонгузар” маҳалласи оқсоқоли ва фаоллари мустақил ҳаётда қадамлари ҳамisha омадли бўлишига тилак билдирдилар. Фан олимпиадалари, “Зулфияxonим қизлари” каби қатор кўрик-танлов совриндорлари,

аълочи, намунали ўқувчиларга Фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари топширилди. Чиройли гулдасталар устозлар ва битирувчилар қўллари ва кўнгилларини безадди, кўзларда севинч ёшлари қалқиди. Шўх мусика, куй-қўшқ янграб бегу-бор, покиза қалбларни ўз оғушига олди. Оқ йўл, азиз битирувчи! Орзуларинг ушалаб, бахт ва омад ҳамisha ҳамроҳинг бўлсин.

Шоира МУХАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: 45-ўрта мактабда бўлиб ўтган «Сўнги кўнғирок» тадбиридан лавҳалар.

Ҳажимжон Солихов олган суратлар.

Сўнги кўнғирок

ОҚ ЙЎЛ, СИЗГА БИТИРУВЧИЛАР!

Бугун пойтахтимиздаги барча ўрта умумтаълим мактабларида сўнги кўнғирок жаранглади. Кечагина мамалак сочларига лента боғлаб, бир олам орзулар, минг бир ҳаяжон билан мактаб аталмиш муқаддас масканга қадам қўйган жажжи-ўғил-қизлар бугун балоғат остонасида, ота-оналаридек азиз бўлиб қолган меҳридон устозлари, мустақил ҳаётга оқ кабуларлардек учирма қилаётган қадрдон мактаблари, 9-11 йилдан бери бир партада ёнма-ён ўтирган, аҳил дўгона, сирдош дўст бўлган синфдошлари билан хайрашдилар. Битирувчилар шаънига энг эзгу тилақлар айтилди. Кўзларда севинч, айни вақтда қадрдон гўшани тарқ этишининг соғинч ёшлари йилтиради.

ёшларга қарата айтган самимий сўзлари, Сиҳат-саломатчи, фаол жамоатчи, намунали хулққа эга бўлган 87 нафар би-



«Хайр, мактабим!», «Сизни унутмаймиз, азиз устозлар» дея синф тахталарига дил сўзларини ёзиб қолдирдилар. Маълумки ҳар бир мактабда «Сўнги кўнғирок» тадбирига катта тайёргарлик кўрилади. Давлатимиз рамълари, Президентимизнинг ўқувчи-

лик йилига бағишланган турли деворий газеталар, хайрлашув кечаси ҳақидаги мактаб альбомлари билан безатилади. Шайхонтоҳур туманидаги 45-мактабга кириб келганимизда ушбу тантананинг ниҳоятда кўтаринкили билан муноҳият нишонланаётганига гуноҳ



тирувчисини янги ҳаёт бўсағасига кўзатмоқдамиз. Биз уларнинг келгусида ўз йўлларини топиб кетишларига, устозлари берган билимни, мактабимиз шаънини оқлашларига ишонамиз. Шу кунгача улар билан 20 дан ортиқ касб-хунар коллежларида бўлдиқ, амалиёт машғулотларимизга улардан ва-

Ойбек таваллудининг 100 йилмига

Агар бу гапларда ҳақиқат бўлса, фаний дунёдан ўтган инсонлар орасида мингдан, эҳтимол миллиондан биригина номи абадий яшаш шарафига муяссар бўлиши мумкин. Уларнинг номи унутилмас экан, руҳи ҳам доим тириклар билан биргадир.

Улуғ адиб Ойбек шундай инсондир!

Рус адабиёти орасида: "Биз ҳаммамиз Гоголнинг шинелидан чиққанмиз", деган ибора бор. Шу гапни "ўзбекчалаштирсак", ўтган асрнинг 60-йилларида адабиётга кириб келган авлод шоирлари "биз Фағур Фуломнинг", адиблар эса "биз Ойбекнинг, Абдулла Қаҳҳорнинг тўнидан чиққанмиз", деса муболаға бўлмайди. Сабаби биз — уруш ва ундан кейинги йиллари мактабга борганлар Фағур Фулом шеърлари, Ойбек романлари, Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари билан "танглай кўтарилган" авлодмиз. У паллада Қодирий, Чўлпон, Фитрат деган улуғ ижодкорлар ўтганини эшитган бўлсак-да, уларнинг биронта асарини ўқиган эмасдик.

Афсуски мен Ойбек домланинг суҳбатига бўлиш бахтига эриша олмаганман. Бунга ўзим сабабчи бўлсам керак. Негаки, бирон марта бу улуғ адиб эшигини тақиллатиб боришга журъат қилмаганман. Бошқа устозим — Абдулла Қаҳҳор эса бир қатор тенгқурларим қатори менинг ҳам илк машқларимни ўқиб, хат ёзган ва шу сабаб Қаҳҳор домла сабоқларини олиш насиб этган... Шунга қарамай, Ойбек иштирок этган каттачиқ йиғинларда биз — талабалар ҳам бир чеккада қисиниб-қимтиниб ўтирганимиз. Ойбек домла қатнашган издиҳомга аллақандай осойишта, ваэмин руҳ киргандек бўлар, устоз адибнинг йирик-йирик кўзларидидаги теран маъно, ҳам виқорли, ҳам ўта самимий тўйғу бу инсонни ич-ичдан ёритиб, нурлан-тириб турганга ўхшар эди. Ойбек ўзининг салобати билан ҳаммани "босиб турган"дек бўлар, айни пайтда унинг бутун қиёфасида боладек беғуборлик ҳам барқ уриб турар эди...

Мана шу улкан истёвбод, табиийлик ва самимийлик адиб асарларида ҳам намоён бўлади. Зеро, асар муаллиқ қалбининг кўзгуси, ёзувчининг "фарзанди" ҳисобланади...

Ойбек ижодининг ёрқин қирраларини ҳам, адиб босиб ўтган мактабининг машаққатли ва чалқаш сўқмоқларини ҳам биргина "Қутлуг қон" романи мисолида кўрса бўлади. Аслида хавф-хатарга тўлиқ бу мактаб "сабоқлари" Ойбек домла тенгқурлари бўлмиш Фағур Фулом, Абдулла Қаҳҳор каби талай алломаларнинг ҳаммасига тааллуқли бўлган. Золим сиёсат кечагина ёнингда турган, эл эътиқодини қозонган ижодкорларни, чинакам халқ фидойиларини "халқ душмани" деб (топган тамғасининг "зўр"лигини қаранг!) қиргин қилаётган, ўзигина эмас, бола-чақасини ҳам қамоқларда чиритаётган паллада қалам тебратиш, қилич дамида юриш билан тенг бўлган. Ҳалати далил: Сталин лагерларида азоб чекаётганлар каллакесар бандитлар, ўғри-каззоблар эмас, асосан, беозор зиёлилар бўлган. (Мустақбил йилларида онги шакланган авлод буни тасаввур қилиши қийин).

Мана шу доимий хавотир кўп йиллар ўзбек нарсининг намунаси ҳисобланган "Қутлуг қон" романида ҳам сезилиб туради. Синчиқлаб ўқисангиз бу ҳолатни англашингиз қийин эмас. Асарнинг деярли ҳар саҳифасида камбағал қароллар бойларнинг золимлиги, бу дунёнинг адолатсизлиги, ўзининг қорни чалакурсоқлиги ҳақида шикоят қилади. Романдаги бойларнинг ҳаммаси ёмон: Мирзақаримов — золим, алдоқчи, Салимбойвачча — қотил, Тантибойвачча — қиморбоз, бузуқ, унинг отаси кўчада зангланган миҳ этса, туфлаб уйига ташийдиган мумсиқ... Ойбекдек улуғ адиб ҳам "бу ёзувчи синфийлик позициясини билмайди ёки билса ҳам атайлаб бузиб кўрсатади!" деган дахшати айбномага йўлқимаслик учун (демак, Сталин қамоқхоналарида суяги чиримаслиги учун) айнан шундай тасвир воситаларидан фойдаланишга мажбур бўлган. (Эҳтимол бугунги китобхон буни билмас, бироқ хушёр ўқувчи роман саҳифалари катида қандай ваҳимали "сирлар" яшириниб ётганини англаши қийин эмас)...

Адиб табиат манзаралари — қаҳратон совуғи, саратон иссиғи, чечаклар ранги кабилар тасвирида яйраб-яшнаб, эмин-эркин қалам тебратеди. (Табиат сиёсатга бўйсунмайди.) Шунингдек, ўзбек удумлари — тўйлар, тортишмачоқлар, кўёв жўралар бошидан ун сепишларни маҳорат ва ички ҳаяжон билан тасвирлайди.

...Одатда, ҳар қандай бадиий асар, айниқса, катта прозаик полотнода китобдаги одамлар қанчалик "тирик", нечоғли жонли бўлиши жуда муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Асар қаҳра-нага "жон тоқ этиш" эса шунчаки осон юмуш эмас. "Қутлуг қон"даги энг тирик ва шу туфайли узоқ эсда қоладиган одамлардан бири — Ермат. У ҳалол меҳнат билан рўзгор тебратиб турган, ўта содда, бир қадар мактанчоқ, ҳовлиқма одам. Асар бошида бир лавҳа бор. Йўлчи даладаги бедани ўришга киришиб олди-дан Ермат унга бедазорни кўрсатиб, "мана бедам!" деб керилди. Йўлчи беда яхши ўсганини айтиб, "сизникими?" деб сўраса, Ермат "Мирзақаримов отаси"нинг остонасида ўн олти йил ишлаганини, шу боис-

дан "сеники-меники" деган гап йўқлигини айтади. Гўё бойнинг ярим давлати ўзиникидек. Бойваччаларнинг гапига (зиёфатига) бозордан хориб-чарчаб қўй етаклаб келганида калла-пачининг бир улushi ўзига тегишидан хурсанд, бой тўй қилса, тартиб сақлашга ба-логардон. (Гўё тўй ҳам ўзиникидек!) Охир-оқибат кўрган қаромати шу бўладики, кўзининг оқу қораси Гулнорнинг ўлиги бойниқидан чиқади! Ерматнинг қарийб йигирма йиллик меҳнатига олган ҳақи эса Салимбойваччанинг исловоҳонада бир кечада бузуқ аёлларга сарфлаган пулининг ярмига ҳам етмайди! Ерматнинг Гулнор ўлимидан чеккан изтиробилари табиий ва самимий бўлгани учун ҳам ўқувчини ларзага солади...

Қизиғи шундаки, романдаги энг жонли образлардан бири Нури! У асарда кўп кўринавермайди. Бироқ тирик одам сифатида китобхоннинг хотирасида сақ-лаб қолади. Негаки, унинг хатти-ҳаракатлари гоёта табиий. Нури ўн саккизга чиққан, соғлом, тўқ, бой оилада ўсган қиз. Унинг жунбуши, тўйғулари жилов-сиз. Албатта, у Йўлчини яхши кўрмайди. Аммо ёш, келишган йигитнинг қучоғига киришни жудаям хоҳ-

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

АБАДИЯТГА ДАХЛДОР АДИБ

Рухшунос олимлар ғалати тадқиқот ўтказишган. Нима учун вафот этган одам дастлабки кунларда ўз ақинларининг тушига деярли ҳар кунни киради? Орадан ойлар, йиллар ўтгач бу ҳолат аста-секин камайиб бо-ради. Тирик қолганлар уни кўмсагани учунми? Бир томондан шундай. Аммо иккинчи жиҳати тирик қолганларга эмас, марҳумнинг ўзига бо-глик. Унинг руҳи вафотининг дастлабки кун ва ҳафталарида ўзи яшаган муҳит-оиласи, қариндош-уруғлари атрофида кезиб юрар экан. Маълум муддатдан сўнг "парвоз доирасини" кенгайтириб, Ер кўрриси атрофи-да учиб юрар, балаштирлаб бу дунёда уни хотирлайдиган бирон одам қол-маса, бошқа галактикага учиб кетар экан. Олис аждодларимиз амал-да тушимизга кирмаслигининг сабаби шу экан...

лайди. Бу йўлда минг хил баҳоналарни ўйлаб ҳам топади. Нури "ёзувчи" синф вакили сифатида, салбий образ сифатида тасвирланган. Бироқ "салбий"ми, "ижобий"ми, у — тирик одам.

"Қутлуг қон"да яна бир боб бор. (Биттагина, их-чагинга боб). Унда Йўлчи тўхтаб билан қамоққа туш-ганч, қамоқхонада Петров деган инқилобчи "мастеро-вой" билан танишуви тасвирланади. Тўғрироғи, баён қилинади. Петров Йўлчининг ўзининг "революцион руҳи ва севғиси билан тарбиялайди". (Романда айнан шун-дай дейилган). Қисқа вақт ичида Петров Йўлчининг "онгини ўстиради", умрида қўлига китоб-дафтар ол-маган йигитнинг саводини ҳам дарвор чикара қола-ди. Икковлари қамоқдан қочишади... Баённинг маъ-носи шу.

Тасаввур қилинг: Ойбекдек тажрибали адиб қамоқ манзараларини, у ердаги муҳит, темир эшиқлар, ин-сонлигини унуттаёган ашаддий жиноятчилар, тўнка-мижоз соқчиларни аниқ-равшан тасвирлаши мумкин-миди? Қамоқдан қочиб қутулиш осон эмас. Ёзувчи мана шу драматик ҳолатни ёрқин бўёқларда чиизиш мум-кинмиди? Албатта мумкин эди! Ва хатто керак эди! Хўп, адиб нега шундай қилмаган? Бу саволга китобхон эмас, ёзувчи сифатида жавоб беришим мумкин. (Агар адаш-сам, устознинг руҳи мени кечирсин!) Гап шундаки, асарни яратиш жараёнида бу бобни ёзиш ниятининг ўзи бўлмаган. Эҳтимол романинг биринчи варианты (кўлёмза)да ҳам бу боб бўлмаган. Сўнг кимдир ёки кимлардир романда "улуг", рус халқининг мазлум халқлар революцион онгини ўстириб "одам қаторига қўшишдаги" тарихий ролини кўрсатиш лозимлиги"ни "аслатиб қўйган" ёки шундай қилмаса, "чатоқ бўли-ши"ни аниқлатган! Ойбек домла ўлганнинг кунидан "бор-е, шуни кўшсам қутуламанми, сенлардан!" де-ганку, беш-олти варақли шу ахборотни қроғза тушир-ган. "Сийёсий хушёр" мунаққидлар эса "Қутлуг қон"-нинг айнан мана шу жойини байроқ қилиб кўтарган-лар! "Мана, социалистик реализм намунаси бунақа бўлади!" деб айоханос солганлар. Донишманд Ой-бек эса индамай қулмисираб қўя қолган. "Социалис-тик"ми, "носоциалистик"ми, чинакам реализмни, ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айлишини романинг бошқа талай саҳифаларидан топиш мумкин.

Гулнор бўйнидан болгандек бўлиб Мирзақарим-бойга эрга тегади. Бойга тегади ва ёши етмишини қор-лаган чолдан... ҳомилдор бўлади! Мана шу — ҳақиқий реализм! Истёвбоди ўртачорёқ ёки ҳаётни теран бил-майдиган ёзувчи бўлса Мирзақаримбойнинг ёш қизга ўйлашинини ярим қарикатура тарзида тасвирлаб, шартти кетиб, парти қолган чолни "масҳар" қилиши ёки Гулнорнинг бўйида бўлишини умуман ўйлаб кўрмаслиги ҳам мумкин эди. Ойбек эса бундай қил-майди. Албатта, адиб Гулнорнинг иккиқат бўлиши унинг ўлими учун ҳукм эканини, бойнинг ўғил-қизла-ри, кўёв-келинлари мерос вассасаси учунгина ёш "она"дан қутулиш йўлини излаши муқаррарлигини билган. Бу эса романдаги воқеалар оқимининг ма-нтиқий ривожига хизмат қилган. Аммо Гулнор бўйида бўлганини англаган ҳолатни шу қадар теран, психо-

логик аниқ тасвирлагани, буни фақат катта санъат-коргина этлаётлади.

Гулнор тасодифан хизматкорлар яшайдиган хона-га кириб қолади ва қозиққа илинган, чанг босган эски дўппига кўзи тушади. Бу Йўлчининг дўпписини эканини эслайди ва дўппининг чангини қоқиб, бағрига боса-ди, кўзларига суртиб ўпади... Ҳақиқий аёл психоло-гияси! Бироқ унинг дардли онлари бу билан тугамай-ди. Мана, ўша ҳолатнинг давоми.

"Ташқарида калтарларнинг "Ғу-ғу"си, чумчуқлар-нинг чирқиллашидан бошқа товуш йўқ... Гулнор бир-дан чўчиб кетди: қорнида бир ниманинг сезиларли равишида урганини туйди... Дарров англади: у ҳоми-ладор! Шу онда калтираган, оёқларида китдай куч қолмаган чаб ерга йиқилаёзди... Кўз олди қорайиб, борлигини оғрик-алам сикиб олди... Бошида хоргин, паршон фикрлар учди. "Бахтсиз бола! Тезгина ду-нёга қадам қўйиб, дадангнинг набралари, эварала-ри кетидан пиддираб югурмоқчимсан! Мана мен — онанг. Сени унутибман! Ўз борлигини ўзинг бил-дирдинг. Мирзақаримбойнинг боласи, унинг эвара-сидан ҳам кичик боласи!"

Иккита ўта драматик ҳолат-севган киши-сини (қамоққа тикилган Йўлчини) кўмсаш ва чол Мирзақаримдан болали бўлганини дафъ-атан ҳис этишни бир вақтда тасвирлаш таги-да чуқур, жуда чуқур маъно ётади. Бундай ҳолатни айнан шу тарзда тасвирлаш учун йирик санъаткор бўлиш керак.

Ойбек домланинг тили содда ва жозиба-ли, ниҳоятда табиий. Романини қайта ўқишда бир нарсга эътибор бердим. Ёзувчи бутун бошли асар давомида "ва" деган боғловчи-ни нари борса тўрт ёки беш марта ишлатган экан. Шунда ҳам муаллиқ тилидан. Асар персонажлари эса гап орасида бирон марта "ва" демайди. Жуда зарур бўлиб қолса "ҳам" деган "боғловчи"ни ишлатади. Ниҳоятда та-биий жараён! "Ва"ни араблар кўп такрорлай-ди. Оддий ўзбек эса, ("оддий" эмас, "ноод-дий", яъни тил билимдони ҳам) жонли суҳ-батда "ва"ни деярли озғига олмайди... Бу ғалати ҳолатга эътибор берганимнинг саба-би асардаги одамлар тилига атайлаб ёки шунчаки "чиройли бўлсин, деб "ва"ни со-либ қўйиш асарнинг табиийлигини бузиши-ни биламан.

Бу — шунчаки йўл-йўлақай кузатув... Романда бир қарашида оддий, аммо китобхон хотирасида муҳрлан-и қолдиган ғалати эпизодлар бор. Мана, шундай ҳолат. Салимбойвачча захар солган таомни ичган Гулнор ўлим билан олишиб ётибди. Шунда шўрлик она — Гулсу-мининг эсига бир "дори" тушади. У қардадир эшитган. Заҳар ичган одамган қўй қумалогини сувга эзиб ичи-рилса дедо бўларкан! Гулсу-минларда думалаб ту-шиб оғилхонага югуради ва бир қафт қўй қийни ко-сага эзиб Гулнор томон ошиқади... Улим тўшағида ётган фарзандининг жонига оро кириш учун ҳар нарсга тай-ёр она ҳолатини бундан теранроқ тасвирлаш қийиш...

Ойбек домла ижодини синчиқлаб ўрганган киши бу улкан адиб нақадар машаққатли ижод мактабини ўтагани дилидаги армонларнинг кў-ў-ўп қисмини қоғозга тўқоломай ҳарсатда кетганини, бироқ замона зайлининг зуғумларига қарамай китобларида қатор-қатор инсонларга жон ато қилганини, Қаҳҳор домла ибораси билан айтганда, ўзбекнинг "адабий оиласи"ни бойитишга катта улш қўшганини тушунади.

Адибнинг нафис ва гўзал шеърляти, "Қутлуг қон", "Навоий" каби салмоқли романлари, юрак дарди би-лан ёзган дostonлари унинг номини аллақачон аба-дийлаштирган.

Таассуф билан айтиш керакики, Ойбек яшаган оғир муҳит фақат ижодига эмас, унинг ўзига ҳам чексиз жабр-жафолар ўтказди. Тўрт томондан қутурган ит-дек хужуқ қилган ҳасадгўйлар захри улуг ёзувчини жароҳатламаслиги мумкин эмас эди. Асарига отилган ҳар бир тош муаллиқнинг юрагига ханжардек қадал-маслиғи мумкин эмас эди. Зеро, асар ёзувчининг фарзандидир. Бугина эмас, ҳасадгўйлар камтарин, фариштадек покиза инсон шахсидан ҳам "иллат из-лаш"дан чарчамадилар. Ойбек домланинг бутун "айби" — Худо берган ноёб истёвбоди, қолаверса, гаразгўйлар даражасида паст кетиб, улар билан оли-шиб ўтиришни ўзига эп кўрмаслигида эди.

Ойбеклар авлодидан бироз аввал адабиётга кириб келган ва чин маънода классик асарлар яратган Қоди-рий, Чўлпон, Фитрат каби алломалар қисматини би-ласиз. Уларни жисман йўқ қилган куч — мустабид ту-зул, зўравон замон деймиш. Тўғри, шундай. Бироқ талай буюк зотларнинг отилиши, қамоқларда чир-и-шида "ҳалик хизмат" қилган тагин бир гуруҳ бор. Бу-лар — ҳасадгўйлардир! Айнан шулар энг сара гуллар-нинг топталишига "салмоқли" улш қўшган. Бундай-лар Ойбек домлани гарчанд жисман маҳв этишга эри-шолмаган бўлсада, улуг адибни сафдан чиқариш учун қўлидан келган барча разиллиқни қилди. Начора, одам боласи темирдан ясалган эмас. Айниқса ижод одами! Истёвбодли, ҳалол ижодкор қалбини жароҳатлашдан осон нарса йўқ. Бундан катта гуноҳ ҳам йўқ... Қора муҳитнинг қора кўнлари Ойбекдек улш инсонни охи-роқибат жароҳатлаб, майиб қилиб "тинчидилар". Бироқ улар ҳеч нимага эришолмади. Ойбек ўзининг буюк асарлари билан абадийдан ўрин олди. Унинг исми, унинг руҳи янгидан-янги замонда тўғилган янгидан-янги авлодлар қалбида яшайверади!

Шарқ дурдоналари



Бойликнинг умри боқий бўлмайди. У гўеки сувли чашмага ўхшайди. Бир нафас олгунингча ёки кўзингни очиб ўзгунингча бу чашманинг суви қуриб қолиши мумкин.

Эшитдимки, Жамшид — соҳиби олам, Чашмадаги тошга ўтириб шу дам, Деди: «Кимлар бунда ўтирган шодон, Аммо, кўз очмайин бўлгандир вайрон!»

Барзу ал-Ҳаким айтди: — Беш киши, беш айбга йўл қўйса, беш пушаймонлик мевасини тоди. Биринчиси, зарур ишни орқага суради ва вақти кетади. Иккинчиси, яқин дўстни хафа қилади ва балого мубтало бўлади, учинчиси, душмандан аҳтиёт бўлишдан гофил бўлади ва зиён кўради. Тўртинчиси, ҳаёли, покдамон хотинни қўлдан беради ва ёмон хотинга дучор бўлади. Бешинчиси, гуноҳ ишлардан қўрқмайди, оқибат ўлимга маҳкум бўлади.

Яна Барзу ал-Ҳаким сўзлади: — Бир неча нарса борки, улар бошқа нарсаларга доимо тобеъдир. Масалан, мурувват ақлга, роӣ ва тадбир тажрибага, яқинлик муҳаббатга.

Бир ҳақимнинг ўз ўғлига насиҳат қилганлари: — Эй ўғлим, қилаётган ишинг кичкинагина гуноҳ бўлса ҳам уни ҳеч қачон кичик деб санама. Одамларга яхшилик қилишнинг толиби бўл, ундан сенга яхши фойдалар етади. Кучинг борлиги учун душмани ҳадеб эзаверма, пайт поллаб, жонидан тўйгач, сени ҳалок этиши мумкин. Одамнинг ёлгончи эканлигини билиб туриб, айтган гапида жон бордир деб ўйлаб, унинг гапига қараб иш тутма! Шубҳали ва гумонли ишларга қўл урма, сўровчини ноумид ҳолда қайтарма! Ўзингга ёқмаган нарсаларни бировга раво қўрма. Бировга қилган ҳар бир яхшилик ёки ёмонлик қуни келиб ўзингга қайтишини эсдан чиқарма!

Уч киши оғир азоб тортишга сазовордир. Биринчиси, бегуноҳ кишига ноҳақ ситам қилган киши. Иккинчиси, тақлиф этилмаса ҳам ўтиришда тўрга чиқишга интилган киши. Учунчиси, биров эшитишни истамаса ҳам, зўрлаб гапирган киши!

Икки тоифа киши борки, бирор нарсани орзу қилади, аммо бунга етиша олмайдди. Биринчиси, гуноҳ қилиб қўйиб, азобдан қутулмоқчи бўлган киши. Иккинчиси, ўз бойлиги билан дунёда ҳаловат топомқчи бўлган бадавлат киши!

1980 йилларда касаллик яна хуруж қилди. Ўғлимнинг аҳоли оғирлаша бошлади. Шундай кунларнинг бирида йўлда бир танишимни учратиб қолдим. Унга ўғлимнинг аҳоли ҳақида сўзладим. Дўстим бу касалликни фақатгина профессор Ҳамроев даволаши мумкинлигини, унга албатта беморни кўрсатишим кераклигини айтди. Мен хурсанд бўлиб профессор Ҳамроевни излашга киришдим. У кишини касалхонанинг беморлар қабулхонасида учратдим. Профессор мен билан эски қадрдонлардек самимий сўрашиб, гапларимни эътибор билан тинглаган менга тасалли бериб, сўнг ўғлимни синчиклаб кўра бошладилар ва менга қараб «ётқишиз сиздан, даволаш эса биздан», дедилар қатъият билан. Шаҳоб Ҳамроев ўша вақтларда Республика ортопедия ва травматология илмий-текшириш институтида фаолият кўрсатар эдилар. Шаҳоб ака даволаш ишларини бошлаб юбордилар. Ўғлим анча соғайиб, дарддан фориғ бўлди. Лекин ўша йил кузда ўғлимнинг дарди яна қўзғади. Бу сафар унинг дарди ҳар галгидан оғирроқ эди. Яна минг андиша билан Республика ортопедия ва травматология институтига домла Ҳамроев олдига нажот сўраб бордим ва аҳолини тушунтирдим. У киши дарҳол отланиб мен билан йўлга тушдилар. Ўғлимни қўриб операция қилишларини айтдилар. Ва ҳаммаси яхши бўлишини айтиб мени тинчлантирдилар. Узоқ давом этган операция муваффақиятли ўтди. Шаҳоб ака бундан буён беморга қандай муолажа қилиш кераклигини батафсил тушунтирдилар. Бу қўли енгил, камтарин, ўз касбининг билимдон бўлган юксак савияли жарроҳ-шифокор, чин инсоний фазилатлар соҳиб Шаҳоб Ҳамроев ўғлимни дарддан фориғ қилиб ёруғ дунёга қайтарди. У кишидан бир умр миннатдоримиз...

Ҳақиқатан ҳам ораимизда мана шундай тажрибали, ўз касбининг фидойиси бўлган шифокорлар борлигидан минг бор шуқроналар айтишимиз албатта. Беморлар дардига дармон, жонига малҳам бўлиб келаятган Шаҳоб Ҳамроевнинг ибратли умр йўлларига назар ташласак, у кишининг тиббиётимиз соҳасида олиб борган ишлари, илмий изланишлари, қанчадан-қанча беморларни оғир дарддан фориғ этиб олқиш дуолар олганликларининг гувоҳи бўламиз. 1952 йилда Бўхоро вилоятидаги фельдшер-акушерлик мактабини тугатган Шаҳоб ака ўша йили тиббиётга, шифокорлик касбига бўлган ҳаваси тўғрисида Тошкент тиббиёт институтининг педиатрия бўлимига ўқишга кириди. Ўқишни битиргач Бўхоро вилоятининг Жондор туманидаги шифохонанинг жарроҳлик бўлимига мудири ва травматология-ортопедия илмий-тадқиқот институтининг клиник ординатори сифатида фаолият олиб борди. Сўнгра тинмай ўқиб ва изланиб, олий мақсадларни дилга тугиб Москвадаги тиббиёт институтида аспирантурада ўқиб, 1964 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб қайтди ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг травматология ва ортопедия кафедраси ассистенти бўлиб ишлади. Шаҳоб Ҳамроевнинг ўз касбига меҳри, тиббиёт

соҳасига бўлган жонқуярлиги, ҳамкасбларига, беморларга бўлган самимий муносабати, камтарин ва кўнгли очиклиги босиб кўпчилик орасида ҳурмат-обрўси ошди. 1974 йилда «Найсимон суяклар травматик ва гематоген остеомиелитини оператив даволашда вакуумлаш ва гомопластиканинг ўрни» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаб профессор даражасига эришди ва 1985 йилгача Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг травматология ва ортопедия кафедрасига мудири ва жарроҳлик факультетига декан этиб тайинланди. Шундан сўнг Шаҳоб ака Тошкент Давлат тиббиёт институти-

машевларнинг «Травматология ва ортопедия» дарслиги Шаҳоб Ҳамроев бошчилигида ўзбек тилига таржима қилинган. Шунга ҳам қайт этиш керак Шаҳоб ака ўтган йиллар мобайнида ҳужжат мамлакатларида АҚШ, Япония ва бошқа ҳамдустлик мамлакатларида бўлиб ўз малакасини ошириб, у ерда илмий маърузалари билан қатнашиб келган. Домланинг бугунги кунда минглаб шогирдлари ўзи каби етук мутахассис сифатида тиббиёт соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Шу кунгача у кишининг раҳбарлигида учта шогирдлари докторлик, 22 нафари эса номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилишган. Шаҳоб Ҳамроевнинг ибратли ва мазмунли умр йўлларида шогирдлари доимо ҳавас билан қарайди ва у кишидан ўрнак олишга ҳаракат қилишади.

Домлани ноёб фазилатларга эга жуда забардаст жарроҳ дейиш мумкин. Баззилар катта мутахассис бўлиб юксак даражага эришганда инсонийликни унутиб қўяди. Шаҳоб акада бу икки фазилат доими ёнмаён. У киши аввало жуда одамхуш, камтарин, одамларга меҳрибон, шогирдлари ва беморларга айниқса гомхўр, — дейди домланинг шогирдларидан тиббиёт фанлари номзоди Мурод Каримов. — Устозимизни ортопедия соҳасининг етук доширмадди десак адашмаймиз. Чунки ҳозир 70 ёшда бўлсаларда беморлар дардига малҳам бўлиб, ҳарфасига тўрт-бешта операцияларни ўзлари муस्ताқил бажариб келмоқда. Домланинг қўли енгил, шу билан бирга беморларга жуда ҳушмуомала, ширин сўз. У кишининг қўлидан минглаб беморлар шифо топиб доимо миннатдорчилик билан мактублари йўллашади. Биз мана шундай устозимиз билан фахрланамиз.

Қўл йиллик ҳалол ва самарали меҳнатлари ҳуқуқатимиз томонидан муносиб баҳолалиб, 1999 йилда Шаҳоб Ҳамроевга Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилди ҳамда Марказий Осиё халқ академиясининг академиги ва вице президенти этиб сайланди.

Домла етук мутахассис, тажрибали жарроҳ бўлиш билан бирга оилада 3 фарзандига меҳрибон ота, 6 набиранинг сеvimли буважонидир. Шаҳоб аканинг рафикалари Олима опа ҳам қўл йиллар билан дардлар шифокори бўлиб хизмат қилган. Уч фарзандларини ўқитиб олий маълумотли қўлиб тарбиялашди. Хозирги кунда улардан иккиси ота-оналарни изидан бориб шифокорлик касбини танлашган. Уларнинг бахтиёр оилаларига кўпчилик ҳавас қилади.


Аллоҳ оқ либосли, Ҳижр назари тушган зикр шифокорларни беморларга нажоткор қилиб юборган бўлса ажаб эмас. Чунки оқ ранг поклик, бегуворлик рамзидир. Истардикли, нијятли, дили ва амаллари либосидек оппоқ фидойи, қўли енгил, беморлар дардига малҳам бўлаётган Шаҳоб Ҳамроев сингари инсонлар доимо бор бўлишсин. Биз ҳам аини кунда муборак етмиш ёшни қаршилаётган домлага узоқ умр, муштаҳкам соғлиқ тилаймиз.

Дилором ИКРОМОВА, Музаффар ЖАЪФАРОВ

Заҳматкашларимиз

ДАРДГА ДАРМОН, ЖОНГА МАЛҲАМ ШИФОКОРЛАР

1970 йиллар эди. Етти ёшли ўғлим киши таътил кунларида кўчада ўйнаб келиб оғиб оғриётганидан шикоят қилди. Биз уни совуқдан бўлса ўғиб кетади, деб иссиққа ўрадик. Бўлмади, оғиб қизариб шишиб кетди. Эртасига болалар касалхонасига олиб бордик. Шифокорлар касалликни аниқлаб суяк йиринглаши, яъни остеомиелит деб ташхис қўйишди ва муолажага бошлашди.



да ўқув ишлари бўйича проректор ва республика бош травматолог-ортопеди, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги уринбосари сифатида фаолият юритди. Хозирги кунгача II-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг травматология-ортопедия кафедраси мудири ва шу билан бир вақтда факультетда вазиетларда тез тиббий ёрдам минтақавий марказ директори. Шунга ҳам айтиб ўтиш керакики, Шаҳоб аканинг бево-сита ташаббуси ва иштироки билан Бўхоро Давлат тиббиёт институти ташкил қилинган. Домланинг асосан илмий ишлари суяк жарроҳлиги бўйича 6 йўналишини қамраб олган. 195 та илмий ишлар муаллифи, шундан 4 монография, 2 та ўқув қўлланмаси чоп этилган, шунингдек илмий тадқиқотлари учун 32 та патент олган. Таниқли соҳа мутахассислари Х.Мусалатов ва Г.Ю-

кори бўлиб хизмат қилган. Уч фарзандларини ўқитиб олий маълумотли қўлиб тарбиялашди. Хозирги кунда улардан иккиси ота-оналарни изидан бориб шифокорлик касбини танлашган. Уларнинг бахтиёр оилаларига кўпчилик ҳавас қилади.

Аллоҳ оқ либосли, Ҳижр назари тушган зикр шифокорларни беморларга нажоткор қилиб юборган бўлса ажаб эмас. Чунки оқ ранг поклик, бегуворлик рамзидир. Истардикли, нијятли, дили ва амаллари либосидек оппоқ фидойи, қўли енгил, беморлар дардига малҳам бўлаётган Шаҳоб Ҳамроев сингари инсонлар доимо бор бўлишсин. Биз ҳам аини кунда муборак етмиш ёшни қаршилаётган домлага узоқ умр, муштаҳкам соғлиқ тилаймиз.

Саломатликнинг ёш дўстлари

ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

Қуни кеча шахримиздаги Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат ёрда мактаб ўқувчиларининг биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича билимлари синовдан ўтказилаётган «Саломатликнинг ёш дўстлари» шаҳар слёти мусобақаси қатнашчилари билан янада гавжум бўлди. Бу мусобақада синфлараро, мактаблараро ва туман мусобақаларида иштирок этган ўқувчилар, ўн битта туманда голибликни қўлга киритган жамоалар иштирок этди.

Ўқувчиларнинг мактабда берилган 24 соатлик ўқув дастури бўйича олган билимларини синовдан ўтказиш учун «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақаси ҳар йили аънаваний тарзда ўтказилиб келинади. — дейди биз билан сўхбатда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамяти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Умида Муҳамедова. — Улар сафда туриш, жароҳатланган, бахтсиз ҳодисага учраган ва тўсатдан касал бўлган вақтда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, уйда беморга қараш, доривор ўсимликлар ва уларни қўллаш, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамяти тарихи каби сажизта шарт бўйича беллашади. Йиллар тажрибаси шунки кўрсатмоқдаки, бу мусобақамиз тобора оммалашиб, қатнашчиларнинг билим ва кўникмалари ортиб бормоқда. Бундан ташқари жорий йилимизнинг Сихат-саломатлик йили деб номлангани муносабати билан ва «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурининг ижроси йўлида соғлом турмуш тарзини йифода эълунчи газеталар қўрик-танловини ҳам ўтказмоқдамиз. Умуман айтганда ташкилотимиз маҳалларда ҳам кенг кўлами ишларни олиб бормоқда. Яъни, жамоатчилик гуруҳлари аҳолини факультетда вазиетларга тайёрлаш, ердამга муҳтож оилаларга биринчи навбатда муолажалаш ва корхона, ташкилотлар эътиборини аввало муҳтож оилаларга қаратиш каби беминнат ёрдамларни бериб келмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, Қизил Ярим Ой жамятининг кўнглиллари берилаётган саҳават, беғараз

ёрдам каби эзгу юмушларнинг қўмакка муҳтож ҳар бир оила, ҳар бир инсонга этиб боришига ҳаракат қилмоқдалар.

Мусобақани кузатар эканмиз ҳар бир шартнинг тўри, бекаму кўст бажарилишига эътибор қаратилгани, иштирокчилар ўз мактабларининг голиб чиқишига астойдил интилишлари билан танлов барча-да катта таассурот қолдирганлигининг гувоҳи бўлдик. 7-шарт бўйича билимлар синовдан ўтказилаётган майдонгаги кириб келганимизда, «Йўл ҳаракати қондалари, йўл транспорт ҳодисасидан ҳабарланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш» бўйича Тошкент шаҳар ИИББ Йўл-ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси тарбият-ташвиқот бўлими бошлиғи, подполковник Қўзғабой Янғабоев ва бошқарма назирни Бобур Мўминовлар ҳакамлик қилишадган экан.

— Бундай мусобақаларни ўтказиш ўқувчилар учун ҳар томонлама фойдали, — дейди Қўзғабой Янғабоев, — йўл қондаларини ёшлиқдан ўрганган одам доим унга амал қилди, қондани бўзмайди, тўсатдан бахтсиз ҳодиса юз берганда эса шовилиб қолмайди, биринчи ёрдамни кўрсатади. Мусобақага яхши тайёргарлик қўрилган, жавоблар пишмик-пухта, демок эртга йўл ҳаракати қондаларини менсимайдиган пиёда, ҳайдовчилар сони камаяди, содир этилиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларининг олди олинади.

Ниҳоят ҳаяжонли дақиқалар ҳам этиб келди. Ҳайрат аъзолари мусобақага барча қатнашчилар аъло даражада тайёргарлик билан келганларини алоҳида таъкидлаб қатнашчилар кайфиятинини аниқ бир бор кўтардилар. Биринчи ўринни Собир Раҳимов туманидаги 249- иккинчи ўринни Чилинзор туманидаги 217- учинчи ўринни эса Ҳамза туманидаги 166-мактаблар эгаллагани эълон қилинди.

Деворий газеталар қўрик-танловид эса Миробод туманидаги 110, Собир Раҳимов туманидаги 249 ва Ҳамза туманидаги 166-мактабларнинг ишларида барча талаб ва шартлар тўлиқ бажарилгани эътироф этилди ва улар голиблар сифидан ўрин эгаллашди.

Барча қатнашчи ва голиблар Қизил Ярим Ой жамяти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан эс-далик совғалари билан тақдирланди.

Шаҳризода МУҲСИМОВА СУРАТЛАРДА: «Саломатликнинг ёш дўстлари» шаҳар мусобақасидан лавҳалар. Ҳақимжон Солихов олган суратлар



Спорт

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

«Баркамол авлод» спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими кеча ўтказилган бўлса-да, айрим спорт турлари бўйича Тошкент шаҳри ва вилоятлар терма жамоалари дастлабки беллашувларни ўтказишди.

Кувонарли томони шундаки, ҳамшахарларимиз учун спорт ўйинларининг биринчи куни жуда омадли кечди. Жумладан, баскетбол бўйича ўсмирлар ўртасида ҳамшахарларимиз сирдарёлик тендошларини жуда улкан — 108:18 ҳисобида енгилган бўлса, баскетболчи қизларимиз ҳам Жиззах термаси устидан 82:27 ҳисобида устун келишди.

Волейболчи ўсмирларимиз навоийликларни 3:1 ҳисобида мағлуб этишди.

Кўл тўпи бўйича натижа бошқароч бўлди. Хусусан ўсмирлар навоийлик ёшларини 35:12 ҳисобида енгилган бўлса, кўпмагина қизларимиз Самарқанд гандболчиларидан 16:29 ҳисобида мағлубиятга учрашди.

Футболчилар ҳам бахсларни бошлашди. Энг йирик ҳисоб Наманган ва Сирдарё жамоалари ўртасида юзага келди. Ушбу ўйинда наманганликлар рақибларини 5:0 ҳисобида доғда қолдиришди.

Қашқадарё—Қорақалпоғистон Республикаси — 4:0, Жиззах—Хоразм — 4:0 учрашувлари ҳам энг сермахсул футбол категорига кирди. Пойтахтлик футболчилар фарғоналик рақибларини 2:0 ҳисобида енгилди.

МОДЕЛЧИЛАРИМИЗ — ОЛДИНДА

Фарғона шаҳрида авиамодел спорти бўйича мамлакат чемпионати ва биринчилиги бахслари поёнига етди.

Кузгикари бахсларда юзга яқин авиамодел усталари галаба учун кураш олиб борди.

Шаҳримиз спортчилари кўпгина йўналишлар бўйича голиблар сафини бошқаришди. Жумладан, F=2—A йўналишидаги авиамоделларни учуриш бўйича чемпионатда Павел Кусаев, биринчиликда Евгений Белоцерковский, F=2—B йўналиши бўйича чемпионатда Игорь Шурно, биринчиликда Дамир Сулаймонов, F=2—C йўналиши бўйича чемпионатда Михаил Шустов хурмат шохулпасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Ушбу юқори натижалар Тошкент шаҳри спортчиларининг умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашларига имкон яратди.

(Ўз мухбиримиз)

Юлдашева Мохира Тўлкиновна номига 1996 йили Тошкент вилоятининг Қирғай туманидаги 33-ўрта умумтаълим мактаб томонидан берилган 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги №103406 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР КИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорологик жарайнларга таъсир этиш Харбийлашган бошқармаси моддий таъминот хизмати бошлиги Иззатой Абдувахобовна Шукуровага падари бузрукворни

АБДУВАХОБ отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



Соғлом турмуш тарзи

ЯНГИ СПОРТ МАРКАЗИ ЭШИКЛАРИНИ ОЧДИ

Тошкент авиасозлари ёшлар ва болаларнинг спорт мактаблари ва тўғарақларидан саломатликларини тиклашларини ташкил этишга кўп йиллардан буён катта аҳамият қаратиб келинади.

Жумладан "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари ҳамда уларнинг оилалари, шунингдек, ҳамза тумани аҳолисини jisмоний тарбия ва спортга яқиндан ошно этиш мақсадида 1993 йилда "Олимпия" спорт-соғломлаштириш мажмуаси фойдаланишга топширилган эди. Ҳозир бу ерда 16 та ўқув-машқ мактаблари фаолият кўрсатаётган бўлиб, 11 ёшдан 18 ёшгача бўлган 250 га яқин спортчи ёшлар, шунингдек, 7 ёшдан 10 ёшгача болалар учун 9 та гуруҳда машғулотлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари дзюдо, у-шу, таэквондо, шейпинг, бодибилдинг, катта теннис-тўғарақлари ишлаб турибди.

"Олимпия" спорт мактабидан кўплаб иқтидорли спортчилар етишиб чиқмоқда.

Айниқса, футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари З.Тожиев ва И.Нестеровлардан "Олимпия"чилар ҳақли равишда фахрланишади.

Кўни кеча яна бир хайрли ишга кўл урилди. "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамияти маданият саройи ёнида янги "Авиасозлар" спорт маркази очилди.

Шуни айтиш керакки, Сихат-саломатлик йилида бирлашма ушбу замонавий спорт мажмуини ўз кучи билан барпо этди. Чунончи, қурилиш конструкцияларини лойihalаш ишлари корхона конструкторлик бюроси мутахассислари сазй-ҳаракатлари билан автоматлаштирилган лойihalаш тизимларини қўллаш усулида амалга оширилди. Бирлашма цехларида сарой каркиси металл конструкциялари, витражлар, ме-

талл черепицалар тайёрланди. Барча монтаж ва қурилиш ишлари ҳам корхона капитал-қурилиш бошқармаси томонидан амалга оширилди.

Қайд этиш жоизки, "Авиасозлар" спорт марказида теннис билан шуғулланиш, кураш, волейбол, мини-футбол, бадий ва спорт гимнастикаси бўйича машғулотлар ва мусобақалар ўтказиш учун барча талабларга жавоб беради. Бу ерда бир пайтнинг ўзида 500-600 атрофида болалар ва ўсмирларнинг машғулотларда иштирок этишлари учун барча имкониятлар мавжуд.

Уйлаймизки, jisмонан соғлом ва чиниққан ёшларни етиштириш, аҳолида соғлом турмуш тарзи ва спортга муҳаббат уйғотишдек хайрли мақсадларни кўзлаб бунёд этилган янги спорт марказидан келгусида юқори натижалар кўрсатувчи кўплаб иқтидорли спортчилар етишиб чиқади.

Дилшод ИСРОИЛОВ СУРАТЛАРДА: "Авиасозлар" спорт марказининг тантанали очилиш маросимидан лавҳалар.

Михаил Якубов олган суратлар.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚAT, TАНЛОВ!

Хурматли ишбилармон ва тadbиркорлар! ТOШKЕНT ШАХАР ХУДУДИЙ TАНЛОВ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2005 йил 14 мартдаги ПҚ-29-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, қуйидаги паст рентабелли, зарар қўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналарнинг давлат активларини инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул бериш бўйича танлов эълон қилади!

Паст рентабелли, зарар қўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналарнинг инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган давлат активлари

РЎЙХАТИ

№	Корхона номи	Манзил	Испом жаамгармасидаги давлат активи, %		Танлов шартлари			
			Жами	Шу жумладан давлат улуши	Бепул бериш тартиби бўйича (буғлай мажбурият) таъминоти, таъминоти ва уларнинг ишлаб чиқариш бинолари ва эгалик турини ер майдалари тарихини ўзгартаришнинг мақбул режаси асосида)	Фаолият тури бўйича (сақлаб қолини ёки сақламаслик шарти билан)*	Минимал инвестиция мажбуриятлари ҳажми** (млн.сўм)	Инвестиция мажбуриятларининг бажарилган муддати (йил)
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	"Тарихий ёдгорликларини таъмирлаш" МЧЖ	Шайхонтоҳур тумани, Жалолобод кўчаси, 4-уй	25	25	давлат активларини сотиш	Фаолият турини сақлаб қолди	60,0	1
2	"Ичконтрактранс" МЧЖ	Шайхонтоҳур тумани, Заррайбар кўчаси, 2-уй	25	25	давлат активларини сотиш	Фаолият турини сақлаб қолди	50,0	1
3	"Шарқ мебели" МЧЖ	Шайхонтоҳур тумани, Хизматчи кўчаси, 10-уй	46,25	25	давлат активларини сотиш	Фаолият турини сақлаб қолди	50,0	1

Изоҳ: * Фаолият турини ўзгартариш масаласи жамият акционерлари (таъсисчилари) қарорига кўра қабул қилинади.

** Ушбу инвестиция миқдори инвестор томонидан ўзининг тақлифидан келиб чиққан ҳолда ўзгартарилиши мумкин.

Танлов савдолари санаси: 2005 йил 18 июль, 18 август ва 18 сентябрь кунлари.

Танлов савдолари соат 11.00 да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси — Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16А-уй манзилида бўлиб ўтади.

ТАНЛОВ САВДОСИДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ:

Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этилиши талаб этилади:

1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эгалигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банкнинг қафолат хатти).
2. Тақдим этилган молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси.
3. Бизнес режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши шарт).

Ушбу ҳужжатлар ва инвестицион тақлифлар танлов савдоси кунидан **уч кун** аввал муҳрланган конвертда, белгиланган шаклдаги ариза билан биргаликда Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига топширилиши лозим.

Танлов савдоларида барча нодавлат юридик ва jisмоний шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари (чет эл инвесторлари) қатнашишлари мумкин.

Танлов савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича батафсил маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16А-уй. Маълумот учун телефонлар: 133-39-57, 133-22-98.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Магбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тафсил оёқсиз усулда босилади. 3724 нуسخада босилади. Қўғоғи биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Магбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, chorshanба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнигиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақидиланди.

«Шарқ» нашрий-нашрият акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.